

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Кўлёзма ҳукукида
УДК:339.138+621.395(575.1)**

СЕРИКОВ МАРАТ БЕГИМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ УЯЛИ АЛОҚА
КОРХОНАЛАРИ ХИЗМАТЛАРИНИНГ
МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ**

08.00.13. – "Маркетинг" ихтисослиги

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

Диссертация Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетининг
"Ишлаб чиқариш воситалари тижорати ва маркетинги"
кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар:

Иқтисод фанлари доктори, профессор Д.К. АҲМЕДОВ

Расмий оппонентлар:

Иқтисод фанлари доктори, профессор А.П. БЕКМУРОДОВ

Иқтисод фанлари номзоди М.Ф. ШОҒАЗАТОВА


Етакчи ташкилот: ЎзР ФА Иқтисодиёт институти.

Илмий иш ҳимояси Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети
қошидаги иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган
диссертациялар ҳимояси бўйича Д 067.06.01 Ихтисослашган кенгашнинг
2002 йил "14 "рӯбъон" соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил:
700003, Тошкент, Ўзбекистон кўчаси, 49.

Диссертация билан Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети кутубхонасида танилиши мумкин.

Автореферат 2002 йил "12" 01.02 да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,
иқтисод фанлари доктори,
профессор



М.С. ҚОСИМОВА

ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Тадқиқот мавзусининг долзарбилиги. Мамлакатимизда бозор иктисодиётига ўтиш жараёни, ички ва ташки савдо шароитининг муттасил ўзгариб бориши бозор муносабатларига ўтиш шарт-шароитини, унинг ўзига хос хусусиятларини атрофлича ўрганишни тақозо этади. Шу сабабли бугунги кунда маркетинг назарияси ва амалийтини, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда такомиллаштиришининг янги шакл ва усулларини тадқик қилиш айникса долзарб аҳамият касб этмоқда. Жумладан, ахборот ва телекоммуникация хизматлари бозорининг ривожланиши йўлларини, айни чоғда уяли алоқа корхоналари хизматларининг маркетинги стратегиясини изчил ўрганиши ва тадқик этиш ҳам иктисодиёт фанининг муҳим масалаларидан хисобланади.

Мальумки, Ўзбекистон Республикаси иктисодиётида ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш ва фан-техника таракқиёти жамият ижтимоий-иктисодий ҳаётининг барча жабҳаларига телекоммуникациялар соҳасидаги сўнгти ютукларни жорий этиш суръатларини ниҳоятда тезлаштириб юборди.

Сўнгти йигирма йил мобайнида ривожланган мамлакатлардаги телекоммуникация фаолиятининг анчагина қисми бозор инфратузилмасининг муҳим бўгини сифатида бозор муносабатларига жалб этилди. Ахборот-телекоммуникация бизнесининг бозор инфратузилмасининг таркибий қисми сифатида шаклланиши 50-йилларининг иккинчи ярмидан бошланган эди. Чунки бу даврга келиб маркетинг бозор концепцияси тарзида бошқарниша у ёки бу корхонанинг фақат бозор стратегиясини эмас, балки ишлаб чиқариш стратегиясини ҳам белгилайдиган етакчи вазифасига айланганди.

Хозирги вақтда ахборот-телекоммуникация бизнеси ҳар қандай давлат иктисодиётининг асосини ташкил қиласи. Шунинг учун ҳам глобал иктисодиётининг ривожланиши замонавий ахборот-телекоммуникация инфратузилмасини тақозо этади. Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ахборот маҳсулотлари милий бойликнинг асосий қисмларидан бирига – давлат иктисодий қудратининг асосий манбаига айланниб бормокда: замонавий ахборот-телекоммуникация хизматлари иктисодиёт тузилмасини, кишилар ҳаёт тарзини ва тафаккурини, давлат ҳокимияти меҳанизмларини жиддий равишда ўзgartирмоқда.

"Бугунги кунда миилтий инфомация тизимини шакллантириш жараёнида Интернет ва бошқа глобал ахборот тизимларидан кенг фойдаланиши, айникса, муҳим аҳамиятта эга.

Бунга эришиш XXI асрда мамлакат таракқиётти учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади".¹

Сўнгти йилларда республикамизда ҳам телекоммуникация хизмати бозори ривожланиб бормокда. Ўзбекистон телекоммуникация бозори соҳасида олиб борган тадқиқотларимиз шунинг кўрсатдикни, бозорда б та уяли алоқа корхонаси ишлаб турибди. Шулардан тўрттаси GSM стандартида ва иккитаси DAMPS стандартида ишламоқда.

DAMPS стандарти Шимолий Америка ва Осиёда энг кент тарқалган стандартлардан ҳисобланади. "Telecommunications" журнали маълумотларига кўра, бутун дунёда AMPS/DAMPS абонентлари сони 74 миллиондан кўпроқни ташкил этади.

GSM-900 стандарти маълумотлар узатишнинг раками стандарти бўлиб, бошқа стандартларга нисбатан кўплаб афзаллукларга эга. Бугунги кунда 120 миллиондан зиёд абонент мавжуд, уларнинг сони жуда тез ортиб бормокда, мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 2001 йилда абонентлар сони 300 миллион нафарни ташкил этиши керак.

Муаммонинг долзарблиги яна шу билан ортадики, ўтиш даври иқтисодиётининг ҳусусиятларидан келиб чиқаётган назарий, методологик муаммолар мажмусини ҳал этмай туриб, давлатнинг бозор тузилмаларининг ривожланиши жараёнларидаги аҳамияти ва ўрнини белгиламай туриб телекоммуникация хизматларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш инфратузилмасининг узвий қисми сифатидаги уяли алоқа корхоналарини ривожлантириб бўлмайди. Телекоммуникация хизматларини, ҳусусан, уяли алоказани ривожлантириш соҳасида мавжуд бўлган жаҳон тажрибасидан самарали ва кенг фойдаланиш; мамлакатимизнинг бозор шароитларини ҳисобга олган ҳолда уяли алоқа корхоналари хизматларининг илғор тизимини яратишда жаҳон андо-залига асосланиш; мазкур турдаги хизматларнинг республика иқтисодиётидаги ўрнини аниқлаш мақсадида назарий тадқиқотлар олиб бориши зарур бўлади.

¹ Каримов И.А. Идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида сўзланган нутк // Халқ сўзи, 2001 йил 12 январь.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг мазкур тури факат республикамиздагина эмас, балки жағоннинг кўпгина ривожлангаётган мамлакатларида ҳам шакллана бошлади. Шу сабабли янги ташкилий тузилмаларнинг вужудга келиши, уларнинг давлат иқтисодиётiga таъсир даражасини аниқлайди ҳамда ҳозирги шароитда ривожланиш йўлларини прогноз килиш билан боғлиқ масалалар ғоят долзарбdir. Бундан ташқари, бўлажак тармоқлар ҳозирги вақтда айrim қисмлар тарзида мавжуд бўлиб, республиканинг глобал, ҳаммабоп ахборот инфратузилмасини яратишга олиб келадиган инвестициялар учун энг самарали имкониятларни излашни талаб этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда ҳам мамлакатимиз, ҳам чет эл етакчи олим ва мутахассислари томонидан маркетингдан фойдаланиш назарияси ва амалиёти соҳасида кўпгина билимлар тўпландган. Дастлаб П. Черинтон ва Д. Уэлд ишларини бозор жараёнларини бошқаришга бағишилдилар. Кейинчалик маркетинг назариясини ишлаб чиқишига Р. Кокс, У. Эндерсон, П. Левитт катта ҳисса қўшдилар. Ф. Котлер маркетинг назарияси соҳасида тан олинган нуфузли олимлардан саналади. Мамлакатимизда Т.Г. Абрамшвили, Д. Эванс, Жан Жак Ламбен, П.С. Завьялов, И.Ж. Герчикова, В.Е. Хруцкой ва бошқа олимларнинг асарлари маълум. Телекоммуникация хизматлари маркетингининг энг муҳим жиҳатлари Н.П. Резникова асарларида ёритилган.

Сўнгти йилларда республикамида маркетинг тадқиқотларини ривожлантириш масалалари ва муаммоларига катта эътибор берилди. Жумладан, Д.К. Ахмедов, А.Ш. Бекмуродов, Ж.Ж. Жалолов, Д.М. Мухиддинов, М.Ф. Шоғазатова, Ш. Абдуллаева каби бир қатор иқтисодчи олимларнинг ишлари Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётiga ўтиш даври шароити маркетинги муаммоларига бағишиланган. Мамлакатимизнинг бир қанча олимлари, шу жумладан В.К. Қобулов, С.С. Фуломов, Ж.А. Абдуллаев, Б.А. Бегалов, Л.И. Шибаршова ва бошқаларнинг асарлари ахборот-телекоммуникация технологияларидан фойдаланиш масалаларига эътибор қаратилган.

Ушбу асарлarda маркетинг воситаларидан фойдаланиш, ахборот ва телекоммуникация бозорининг шаклланиш жараёнлари технологияси билан боғлиқ бозор иқтисодиёти соҳасидаги бир қатор муаммолар тадқиқ этилган. Бирок кўпгина ишларда телекоммуникация хизматлари маркетингини ривожлантиришнинг айrim масалалари бозор муносабатларининг вужудга

келиш шароитларига татбиқан ўрганилган ёхуд хизматлар маркетингининг у ёки бу жиҳатларига оид айрим назарий-методологик муаммолар тадқик этилган.

Хозирги вактда Ўзбекистонда мавжуд рақобат шароити телекоммуникация хизматлари бозорини ривожлантириш масалалари ҳали етарлича ўрганилган эмас. Бу ҳол иқтисодиёт фани олдига жаҳон телекоммуникация хизматлари бозорининг ривожланиши йўлларини ҳамда республикамиизда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳисобга олган ҳолда, телекоммуникация хизматлари бозорини ривожлантириш бўйича илмий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш вазифасини кўндаланг килиб қўяди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсади жаҳон телекоммуникация хизматлари бозорининг ривожланиши йўллари ҳамда мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш вазифаларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси уяли алоқа корхоналари хизматлари маркетинги стратегиясининг илмий-амалий тавсияларини ишлаб чиқишидан иборат.

Тадқиқот олдига кўйилган мақсаддан келиб чиқиб, диссертация ишининг куйидаги асосий вазифалари белгиланди:

- ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида телекоммуникация хизматлари бозорининг ишлаш қонуниятларини ўрганиш, таҳлил этиши ва аниқлаш;

- Ўзбекистон Республикасида уяли алоқа корхоналарининг ривожланиши босқичларига бозор муносабатлари шаклланишининг таъсир кўрсатиш қонуниятларини ўрганиш;

- Ўзбекистонда уяли алоқа бозорининг ҳозирги ҳолатини таҳлил этиши;
- телекоммуникация хизматлари, шу жумладан уяли алоқа хизматларига талаб ва таклифларни баҳолаш;

- уяли алоқа корхоналари хизматлари маркетинги стратегияси бўйича тавсияларни асослаш;

- рақобат шароитида уяли алоқа корхоналарининг рақобатбар дошлилигини ошириш билан боғлиқ илмий-амалий тавсияларни тайёрлаш;

- республика телекоммуникация хизматлари маркетингида уяли алоқа корхоналарининг самарали ишлаш йўлларини асослаш ва тавсия этиши.

Тадқиқот обьекти ва предмети. Республика телекоммуникация хизматлари бозори, хусусан, уяли алоқа хизматлари бозори тадқиқотимиз обьекти хисобланади.

Ўзбекистон телекоммуникация хизматлари бозоридаги уяли алоқа корхоналари тадқиқот предметини тапкил этади.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси. Тадқиқотнинг назарий ва методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг бозор муносабатларига ўтишнинг ўзбек модели концепциясини белгиловчи асарлари ва нутклари², Ўзбекистон Республикаси Конунлари, Президент Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг Қарорлари, жумладан, 1997 йил 1 августдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг "Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини қайта куришнинг 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган миллӣ дастурини амалга ошириш ҳақида"ги Қарори, шунингдек, мамлакатимиз ва чет эл иқтисодчиларининг тадқик этилаётган муаммо бўйича илмий ишланимлари ташкил қиласди.

Ишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Хукуматининг иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш хусусидаги Конунлари ва Қарорларидан, уяли алоқа корхоналарининг меъёрий хужжатлари, Макроинқисодиёт ва статистика вазирлиги материалларидан ҳамда бошқа ахборот манбаларидан фойдаланилди.

Тадқиқот олиб бориш жараённида илмий абстракция, иқтисодий, статистик таҳдил ва гурухлаш ҳамда ўзига хос маълумотларни илмий умумлаштириш усуслари кўлланилиди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Олиб борилган диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги кўйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон телекоммуникация хизматлари бозорида уяли алоқанинг ривожланиш муаммолари назарий тадқиқ этилди;
- телекоммуникация хизматлари бозорида уяли алоқа корхоналари ривожланиш босқичлари хусусиятларининг муаллиф интерпретацияси берилди;
- уяли алоқа хизматлари бозорининг шаклланиш стратегиясининг методологик асослари тавсия этилди;

² Каримов И.А. Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Т., Ўзбекистон, 1993; Каримов И.А. Ўзбекистон: иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. – Т., Ўзбекистон, 1995; Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиљмоқда. – Т., Ўзбекистон, 1999 ва б.

- уяли алоқа хизматлари бозорининг маркетинг тадқиқотлари модели ишлаб чиқиради;
- уяли алоқа корхоналарининг рақобатбардошлик параметрлари аниқлаштирилди;
- рақобат шароитида коммуникация хизматлари бозорида уяли алоқа корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишининг асосий йўллари белгиланди;
- уяли алоқа корхоналари хизматларининг диверсификацияси бўйича тавсиялар асослаб берилди.

Тадқиқот натижаларини синондан ўтказиш ва тадбиқ этиши. Диссертация ишнинг асосий мазмуни ва хуносалари Самарқанд Давлат университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ўзбекистон Миллий университетида ўтказилган семинарларда баён килинган ва муҳокама этилган. Диссертация тадқиқотининг асосий коиди ва натижаларидан Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессор-ўқитувчиларининг "Ўзбекистон Республикаси иқтисодий сиёсатини эркинлаштиришининг устувор йўналишлари" мавzuидаги халқаро илмий-амалий конференциясида килинган маърузаларда фойдаланилди.

Олинган тадқиқот натижалари "Экономика и статистика", "Рынок, деньги и кредит", "Вестник САМАН", "Ўзбекистонда ижтимоий фанлар", "Вестник Кузбасского Государственного технического университета" журналларида чоп этилган саккиз маколада баён килинган. Диссертация тадқиқотининг айрим натижалари уяли алоқа корхоналарида ("Ўздунробита" КК ва "ЎЗМАКОМ" КҚда жорий этилган: № 219-1-01; № 614) кўлланилган.

Илмий тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалар ҳамда унинг илмий-амалий қоидалари муайян даражада уяли алоқа хизматларини курсатувчи корхоналар мисолида маркетинг стратегиясининг назарияси ва амалиётини бойитади, рақобат шароитида уяли алоқа корхоналарининг фаолият механизмини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Тадқиқотнинг асосий қоидаларидан илмий-методик ишламалар, республика телекоммуникация хизматларини ривожлантириш дастурини тайёрлашда, кадрлар тайёрлашда, коммуникация хизматлари бозорини шакллантириш ҳамда алоқа иқтисодиёти бўйича маърузалар ўқишида фойдаланиш мумкин.

Ишнинг тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хуоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмидаги тадқиқот мавзусининг долзарбилиги, унинг ўрганилганлик даражаси асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, обьекти, предмет ва методлари белгилаб берилади.

Биринчи бобида "Уяли алоқа хизматлари маркетингининг моҳияти ва стратегияси" уяли алоқа хизматлари бозорини шакллантиришнинг илмий-назарий масалалари ўрганилади. Уяли алоқа хизматларининг хусусиятлари, фаркланувчи жиҳатлари ҳамда уяли алоқа хизматлари бозорини шакллантиришда маркетинг стратегиясининг методологик асослари кўриб чиқилади.

Диссертация ишнинг иккичи боби "Ўзбекистон Республикасида уяли алоқа хизматлари бозорининг шаклланиши ва улар маркетинги" масаларига бағишлидан бўлиб, унда уяли алоқа хизматлари бозорида маркетинг фаолиятини ривожланишининг асосий босқичлари ҳолати ҳамда уяли алоқа корхоналарининг ракобатбардошлиқ параметрлари таҳлил этилади.

Учинчи бобида "Ўзбекистон Республикасида уяли алоқа хизматлари бозорида ракобатдошлиқ шароитда маркетинг стратегияси" телекоммуникация хизматлари бозорида ракобат кучайиши шароитида уяли алоқа корхоналарининг ракобатбардошлигини оширишининг асосий йўналишлари, хусусан, хизматлар бозорида ракобатбардошлигини оширишда стратегик маркетинг ёндашуви қулланиши тавсия этилади, шунингдек, уяли алоқа корхоналарида самарали маркетинг стратегиясини шакллантириш борасидаги чет эл тажрибаси ёритиб ўтилади.

Хуоса қисмидаги тадқиқот натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси коммуникация хизматлари бозорида ракобатнинг кучайиши шароитида уяли алоқа корхоналарининг ракобатбардошлигини оширишга қаратилган илмий ва амалий тавсиялар келтирилган.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Мамлакатимиз иктисадиётининг бозор муносабатларига ўтиши маркетинг воситаларидан янада тўлқинроқ ва фаолроқ фойдаланишини назарда тутади. Маркетингнинг мавжуд таърифлари хусусида ўтказилган таҳлиллар асосида шуни айтиш жоизки, маркетингнинг ҳар қандай маъносида бош йўна-

лиш – истемолчи манфаатидир. Чунки бозор шароитида ҳар қандай ишлаб чиқарувчи истемолчиларнинг эҳтиёжи мақбул тарзда қондирилгандағина ўз максадига эришиши мумкин. Шу боис ушбу илмий ишда маҳсулот ва хизматларнинг янги бозорларга ҳаракатининг асосий методлари кўриб ўтилади.

Мавжуд ёндашувлар таҳлили шуни кўрсатдики, хизматларнинг ҳозирги вактдаги изоҳи (тахминан асримизнинг 20-йиллари ўргаларига тўғри келади) улар фаровонлик шаклининг ўзгаришига олиб келмайдиган фаолият сифатидаги таърифида ўз ифодасини топади. Гарчи, кўпинча бу соҳага маҳсулот ишлаб чиқаришга нисбатан қандайдир иккинчи даражали ҳол деб қаралса-да, бироқ амалда, бизнинг фикримизча, ҳар қандай хизматни ўзига хос хусусиятларга эга бўлган фаровонликнинг кимматли шакли деб билиш лозим. Бу хусусиятлар: номоддийлик, хизмат кўрсатиш жараёнидан ажралмаслик, таркибий жиҳатдан хилма-хиллик, сакланиб қолмаслик, мулкка айланмасликдан иборатdir.

Номоддийликнинг моҳияти шундаки, хизмат кўрсатилгунига кадар уни хис этиб бўлмайди. Шу сабабли истемолчи ўзига кўрсатилиши мумкин бўлган хизматлар ҳакида, жуда бўлмаса, юзаки тушунчага эга бўлиши гоят муҳим. Шунинг учун уяли алоқанинг кўпина компания-операторлари, айниқса рақобат шароитида фаолият юргизаётган операторлар мижозлар эркин кира оладиган магазинлар ташкил этиб, хизмат уюштирум оқдалар.


Хизматнинг хизмат кўрсатишдан ажралмаслиги шунга боғлики, хизматнинг тўлиқ ёки қисман истемоли вакт жиҳатидан хизмат кўрсатиш жараёнига алоқадор бўлади. Шу нуқтаи назардан товарлар ишлаб чиқарилади, сотилади, сўнгра истемол қилинади. Товарлар ишлаб чиқарилади, хизматлар эса кўрсатилади.

Таркибий жиҳатдан хилма-хиллик хусусияти кўрсатиладиган хизматларни стандартлашга эришишдаги мураккабликни ифода этади. Хизматнинг ҳар бир "намунаси" бошқасидан фарқ қиласди. Бунда телекоммуникациялар хизматларидан фойдаланувчи олинган хизматнинг сифати ҳакида олдиндан фикр билдира олмайди.

Сакланиб қолмаслик ҳам хизматнинг номоддийлигига боғлик. Диссертант сифатида бизнинг мулоҳазамизга кўра, хизматларнинг кўриб ўтилган хусусиятлари рақобатнинг кучайиш шароитида уяли алоқа корхоналарининг маркетинг стратегиясига ўз таъсирини ўтказади.

Юкорида айтилганлардан келиб чиққан ҳолда, шуни таъкидлаш жоизки, хизмат кўрсатувчи корхоналар иккита маркетинг вазифасига – анъана-вий ҳамда интерфаол вазифага эгадир. Биринчиси асосан ускунага хизмат кўрсатиш масалаларига боғлиқ бўлиб, унинг ҳажми энг кўп иш билан бандлик даврида муайян сифат даражасида (кутиш вақти ёки вақт йўқотишлар) каналлар ёки коммутация курилмалари орқали ўтказиш зарур бўлган абонентлар сони билан белгиланади. Кейингиси хизматлар ис-теъмолига тааллукли бўлади. Бунда, фикримизча, ҳар бир вазифа хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш (истеъмол килиш)нинг турли жараёнларида турлича аҳамият касб этади. Диссертацияда шу билан боғлиқ равишда уяли алоқа корхоналари маркетинги стратегиясининг асосий таркибий қисмлари кўриб чиқилган.

Ушбу тадқикотда республикада уяли алоқа бозорининг ҳозирги ҳолатининг таҳлили келтирилган. Уяли алоқа бозорида олти компания-оператор орасида "Ўздунробита" кўшма корхонаси пешқадам хисобланади, шунинг учун ҳам мазкур корхонанинг салмоғи 42,2 фойздан зиёдни ташкил этади (1-расм).



1-расм. Телекоммуникациялар хизматлари бозоридаги уяли алоқа корхоналари салмоғи диаграммаси.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, диссертацияда кўрсатиб ўтилгани-дек, 2001 йил сентябридан "Перфектум мобиле" савдо маркали янги компания хизмат кўрсата бошлади.

Иши телекоммуникациялар хизматлари бозорида уяли алоқа корхоналарининг ривожланиш босқичлари тадқиқ этилди ва уларнинг асосий ўзига хос хусусиятлари белгиланди.

I босқич. Бозор ҳукмронлиги шароитида корхоналарнинг ривожланиши.

Уяли алоқа бозорида якка ҳоким корхонанинг тўла ҳукмронлиги бозорда компаниянинг ўта мустаҳкам ўрин эгаллашига олиб келади. Истеъмолчи га хизмат ҳақининг юқорилиги, абонентлар талабларига эътиборнинг пастлиги; янги технологияларнинг суст жорий этилиши; кўрсатилаётган хизматлар сифатининг суст яхшиланиши; камров миқёснининг босқичма-босқич, аммо суст кенгайиши каби камчиликлар аён бўлади.

II босқич. Кескин ракобатли бозор шароитида корхоналарнинг ривожланиши.

Бу хизматларга тўланадиган ҳакларнинг мунтазам пасайиши, тавсия этилаётган қўшимча хизматлар сонининг ортиши, ҳудуд қамровининг тобора кенгайиши, алоқа сифатининг ва мижозларга хизмат кўрсатишнинг яхшиланиши, реклама фаолиятининг кучайишида намоён бўлади. Абонентлар сони муттасил ортиб боради. Уяли алоқа хизматларидан аҳолининг турли қатламлари фойдаланади. Иккинчи босқич даврида абонентлар сони деярли уч баробар ортди, бу эса ҳали чегара эмас. Компания-операторларнинг минтақа бозорларига кириб бориши натижасида республика вилоятларида ҳам нарх пасайиб, алоқа сифати ортди.

III босқич. Кучсиз операторларнинг қўшилиб кетиши ва бозордан сикиб чиқарилиши.

Ускуна ёки бошқа ресурслардан ҳамкорликда фойдаланиш. Кооперация охир-оқибат кучсиз операторларнинг қўшилиб кетишига ва бозордан сикиб чиқарилишига олиб келипши мумкин.

Сўнгти босқичнинг ўзига хос хусусияти рақобатнинг кучайиши бўлиб, у теран маркетинг тадқиқотлари ўтказишини, уяли алоқа корхоналари хизматлари бозорининг шаклланишига маркетинг стратегияси воситаларини жорий килишни такозо этади. Бу ҳол мақбул бошқарув қарорини қабул килиши ва коммуникациялар хизматлари бозорида уяли алоқа корхоналарининг таваккалчилитини камайтириш имконини беради.

Бизнинг фикримизча, корхонадаги замонавий маркетинг кўплаб йўналиш ва усусларни ўз камровига олуви чараёнлар мажмуасидан иборат бўлади. Ишда унинг энг муҳим омиллари (уяли алоқа бозорининг барча субъектларига татбиқан) кўриб чиқилиб, уларнинг негизини товар; унинг нархи; уни тарқатиш ва янада рағбатлантириш усуслари каби ўзгарувчи омиллар ташкил этади.


Уяли алоқа хизматлари бозори шаклланишининг назарий муаммолари ни мушоҳада қилиш асосида чиқарган хуносаларимиз уяли алоқа корхоналарини амалий таҳлил этиши учун асос бўлиб хизмат қилди.

Ишда ўтказилган уяли алоқа хизматларининг муфассал таҳлили шуни кўрсатдики, уяли алоқа хизматларининг асосий истеъмолчиси жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентларидир (70% дан зиёд), бинобарин, компаниялар ўз эътиборларини уларга қаратиши, ҳамда бошқа сегментлардан абонентларни жалб этишга интилиши лозим. Шунингдек, корхоналар кўрсатаётган хизматлар ва уларнинг тарифлари таҳлил этилди. Ушбу таҳлил асосида уяли алоқа корхоналарининг SWOT таҳлили таклиф этилди, уларнинг бозордаги мавкеини яхшилашга қаратилган тадбирлар бўйича аниқ таклифлар берилди.

Ўзбекистон уяли алоқа бозори ривожланиши натижасида таомиллап-ган рақобат бозори ҳусусиятига эга бўлди. Мавжуд барча компаниялар ўзаро аёвсиз рақобат қила бошлади, натижада уларнинг айримлари мамлакат уяли алоқа бозорида етакчи бўлиб колди. Рақобат кураши туфайли кўрсатилаётган хизматлар нархи пасайди. Хизматлар ва абонентларга хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди, қўшимча хизматлар доираси анча кенгайди, ашпарат воситаларининг нархлари пасайди. Бу каби барча омиллар республикада уяли алоқа абонентлари умумий сонининг ортишига ва уяли алоқа хизматлари бозорининг муваффақиятли ривожланишига имкон берди.


Шундай килиб, биз бу ўринда 1997 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда уяли алоқа бозорида абонент базасининг юқори даражада ўстанингини алоҳида таъкидлашимиз мумкин: агар 1997 йилда абонентлар сони 10000 та бўлган бўлса, 2000 йилда бу рақам 60000 абонентни ташкил этди³ (2-расм). Прогнозларга караганда, 2002 йилда бу рақам 100000 абонентни ташкил қиласди.

³ Ўзбекистон Почта ва Телекоммуникациялар агентлиги баёномаси. №09-811267.



2-расм. 1997-2000 йиллардаги уяли алоқа корхоналари абонентлари сони

Ушбу тадқиқотда рақобатнинг кучайиши шароитида уяли алоқа корхоналарининг рақобатбардошлиқ даражасини оширишнинг асосий йўллари (имкониятлари) (3-расм); уяли алоқа корхоналарининг рақобатбардошлиқ даражасини баҳолашнинг бир бутун тизимини яратиш зарурлиги; маркетинг ахборот тизимини яратиш; уяли алоқа корхоналари хизматларини диверсификациялаш таклиф этилди.




3-расм. Ўзбекистон Республикаси уяли алоқа корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий имкониятлари.

Олиб борилган изланишлар самараси ўлароқ, уяли алоқа хизматлари бозорини шакллантириш учун мунтазам рационалдык маркетинг тадқиқотлари ўтказиш зарур деган холосага келинди.

Уяли алоқа корхоналарининг ракобатбардошлиқ даражасини баҳолашда техник, иқтисодий, ташкилий параметрларни ҳисобга олиш лозим.

Тадқиқот мобайнида уяли алоқа корхоналари хизматларининг ракобатбардошлиқ даражасини баҳолаш алгоритми ишлаб чиқылди⁷ (4-расм).



4-расм. Уяли алоқа корхоналари хизматларининг ракобатбардошлиқ даражасини аниқлаш алгоритми.

Диссертацияда уяли алоқа корхоналари рақобатбардошлигининг асосий мезонлари аниқланган бўлиб, улар жумласига қўйидагилар киритилди: хизматларнинг жозибадорлик меъёри (P_r); имидж меъёри (I_m), кулайлик меъёри (D), хизмат истеъмолчиси учун нарх сиёсатининг кулайлик меъёри (T_r). Шундай қалиб, уяли алоқа корхоналари хизматларининг (P_r) рақобатбардошлик параметрини:

$$P_r = f(I_m, T_r, D)$$

формуласи бўйича аниқлаш мумкин.

Рақобатбардошлик параметрларини эксперт баҳолари асосида аниқлаш мумкин.

Кўриниб турибдики, уяли алоқа корхоналарининг рақобатбардошлик даражасини опиришнинг ишлаб чиқилган асосий йўналишлари республикада уяли алоқа хизматлари бозорини шакллантиришнинг аниқ курсаткичларини белгилапда асос бўлиб хизмат қиласди.

Бозор иқтисодиёти шароитида умуман иқтисодиётнинг ва телекоммуникация хизматлари бозорининг талабларига айнан жавоб берадиган уяли алоқа корхоналарининг хилма-хил хизматлари мухим аёамият касб этади.

Бизнинг фикримизча, учинчи авлод тезкор технологиясининг (3G), тегишилича WAP (Wireless Application Protocol), GPRS (General Packet Radio Service) каби технологияларнинг жорий этилиши натижасида янада хилмачил кўшимча хизматлар кўрсатиш имконияти очилди. Эндиликда мамлакатимиз операторлари томонидан кўрсатилаётган уяли алоқа хизматлари қўйидагилар билан тўлдирилиши лозим: факсимил ахборот узатиш; киска матнли ахборот узатиш; электрон очик хатлар юбориш; тасвир узатиш; динамикада тасвир узатиш; глобал Интернет тармоғига чиқиш терминални сифатида уяли телефондан фойдаланиш; электрон почтадан фойдаланиш; уяли телефон орқали электрон тижорат олиб бориш; электрон банк хизматидан фойдаланиш; уяли телефондан технологик жараёнларни бошқариши тизими сифатида фойдаланиш. Уяли телефон ана шундай хилма-хил хизматларга эга бўлганлиги боис абонентларнинг факат сўзлашув асбобигина эмас, балки кўп жиҳатдан сизнинг иш компьютерингизнинг ўрнини босувчи тўлақонли терминал бўлиб қолади, энг мухими, у тезкорликни тарқ этмайди.

Бинобарин, республика уяли алоқа корхоналарида маркетинг стратегиясининг ишлаб чиқилган асосий йўналишлари ушбу корхоналарнинг те-

лекоммуникация бозорини ривожлантиришдаги аҳамиятини ошириш имконини беради.

АСОСИЙ ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўтказилган тадқиқотлар бизга қуйидагича хулоса ва таклифлар қилиш имконини берди:

1. Ўзбекистон уяли алоқа бозорининг ҳозирги ҳолати уяли алоқа бозор инфратузилмасининг муҳим таркибий қисми ва бозор муносабатлари нинг кучли катализатори эканлигини кўрсатди. Бозорнинг ҳозирги ҳолати уяли алоқа корхоналарининг ва умуман, тармоқнинг шиддат билан ривожланайтганингдан далолат беради. Уяли алоқа бозоридаги корхоналар фаолиятининг таҳлили натижасида уяли алоқа корхоналаридаги маркетинг фаолиятининг асосий принциплари ва йўналишлари аникланди ва тавсифланди.

Таҳлил шуни кўрсатдики, Ўзбекистон Республикаси уяли алоқа бозорида олтитга уяли алоқа корхонаси ўртасида кескин рақобат мавжуд, бунда "Ўздунробита" КК етакчилик қилиб, унинг бозордаги саломги 42 фойзи ташкил этади.

2. Уяли алоқа корхоналари телекоммуникациялар хизматлари бозорида олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги асосий омиллар аникланди: мақсадлар, ресурслар, имкониятлар; товар, бозор; рақобат; муҳит таҳлили. Уларни корхоналар маркетинги стратегиясини шакллантиришда уларни хисобга олиш лозим.

3. Ўзбекистон уяли алоқа хизматлари бозорида олиб борилган тадқиқотлар унинг ривожланишининг учта асосий босқичини аниклаш имконини берди. Биринчи босқич – якка ҳукмрон бозорнинг мавжудлиги билан ифодаланиб, унинг ўзига хос ҳусусиятлари: кўрсатиладиган хизматлар тарифларининг юқорилиги; хизматлар сифатининг пастлиги, янги технологияларнинг суст жорий этилаётганлиги, қамров микёсининг суст кенгайишида намоён бўлади; иккинчи босқич – кескин рақобатнинг вужудга келиши билан ифодаланадики, бу кўрсатилаётган хизматлар тарифларининг мудом пасайишига, таклиф этилаётган қўшимча хизматлар микдорининг ортишига, абонентлар сонининг қарийб уч ҳисса кўпайишига, уяли алоқа корхоналарининг Ўзбекистоннинг минтақавий бозорларини эгаллашига олиб келди; учинчи босқичда уяли алоқа корхоналарининг кучсизларини

күшиб юбориш ва бозордан сиқиб чиқариш кўзда тутилади. Юқорида баён этилган фикрлар кескин рақобат шароитида стратегик ечимларни ишлаб чиқиш учун телекоммуникациялар хизматлари бозорида теран маркетинг тадқиқотлари олиб бориш зарурлигини тасдиқлайди.

4. Уяли алоқа хизматлари истеъмолчиларига доир муфассал таҳлил шуни кўрсатдики, уяли алоқа хизматларининг асосий фойдаланувчилари жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентларирид (70% дан зиёд), бинобарин, компаниялар ўз эътиборини уларга қаратиши лозим. Шунингдек, маркетингнинг бозорнинг бошқа сегментларидан, жумладан, юридик шахслар ҳисобидан ҳам кўп миқдорда абонентларни жалб этиш имконини берадиган стратегияларидан фойдаланиш керак.

5. Уяли алоқа бозоридаги рақобат ҳолатини ўрганишдан маълум бўлишича, бозорда кескин рақобат мавжуд. Ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялардан уяли алоқа корхоналари фаолиятида асосланган қарорлар кабул килишда фойдаланилиши мумкин, жумладан, ўз имкониятларини ва рақобатчиларнинг имкониятларини мунтазам баҳолаб бориш ҳамда ўз рақобат устунлигини вужудга келтириш ва саклаб туришга доимий йўналтирилган мақбул стратегияни ишлаб чиқиш тавсия этилган. Тадқиқотлар натижасида рақобатчилар билан ҳамкорлик килиши зарурлиги, шунингдек уяли алоқа корхоналари рақобатбардошлигининг техник, иқтисодий, ташкилий параметрлари белгилаб берилди.

6. Уяли алоқа корхоналари фаолиятини тадқиқ этиш стратегик режалаштириш зарурлигини кўрсатди. Бозор шароитида уяли алоқа корхоналари омон қолиши учун стратегик имкониятнинг энг афзал тузилмасини шакллантириши; стратегик имконият элементларининг зарур ресурслар билан таъминланганигини рационаллаштириши, мамлакат миллий иқтисодиётини асосласп шароитларига кўниши лозим бўлади. Маркетингнинг самарали стратегиясини ишлаб чиқариш учун энг кам маблағ сарфлаган ҳолда истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматларнинг анча кўйайниншини таъминловчи стратегия сифатида тавсифлаш мумкин.

7. Олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, уяли алоқа корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий резервлари: уяли алоқа корхоналари фаолиятининг стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадида теран маркетинг тадқиқотлари ўтказиш; ташки мухитни ўрганиш ва таҳлил этиш; уяли алоқа корхоналарининг рақобатбардошлигини баҳолашнинг ин-

теграллашган тизимини барпо этиш; маркетинг ахборот тизимини яратиш; уяли алоқа корхоналари хизматларини диверсификациялаш ҳисобланади.

Уяли алоқа корхоналари ракобатбардошлигини баҳолаш алгоритмини яратиш рақобат шароитида ниҳоятда долгзарб саналади. Уяли алоқа хизматлари ракобатбардошлиги алгоритмини кўллаш коммуникация хизматлари бозорида уяли алоқа корхоналарининг таваккалчилик улушини камайтириш имконини беради.

8. Телекоммуникация хизматлари жаҳон бозори ривожланишининг хорижий тажрибасини ўрганиш асосида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиётини ривожлантириш вазифаларини назарда туттан ҳолда, уяли алоқа корхоналарининг: факсимил ахборот узатиш; қисқа матнли ахборот узатиш; электрон очик хатлар узатиш; тасвир узатиш; динамикада тасвир юбориш; глобал Интернет тармоғига чиқиш терминали сифатида уяли телефондан фойдаланиш; электрон почтадан фойдаланиш; уяли телефон орқали электрон тижорат олиб бориш; электрон банк хизматидан фойдаланиш; уяли телефондан технологик жараёнларни бошқариш тизими сифатида фойдаланиш каби хизматларини диверсификация қилиш зарурлиги аникланди.

9. Республика уяли алоқа корхоналари маркетинг хизматлари фаолиятини тадқиқ этиши шуни кўрсатдики, маркетинг тадқиқотлари натижалари, агар улар маркетинг ахборотини тўплаш, айирбошлиш ва таҳлил этишининг интеграллашган ахборот жараёнига кўшилган бўлса, катта аҳамият қасб этади. Шу муносабат билан уяли алоқа корхоналарида маркетинг ахборот тизимини барпо этиш тавсия қилинади. Тизимнинг асосий вазифалари жумласига: мухит ўзгаришлари мониторинги; маълумотларни сақлаш; маълумотларни ишлашни киритиш мумкин. Уяли алоқа корхоналари ишининг энг зарур талаблари, мавжуд маркетинг маълумотларидан мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш маркетинг ахборот тизимини яратишни тақозо этади.

Юкорида таклиф этилган йўналишларни амалга ошириш уяли алоқа корхоналарига телекоммуникация хизматларининг жаҳон бозори ривожланиши тенденцияларига ва Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиёти ривожланиши вазифаларига монанд энг самарали маркетинг стратегиясини яратиш ва кўллаш имконини беради.

Диссертациянинг асосий мазмунин муаллифнинг чоп этилган
куйидаги ишларида акс эттани:

1. Основные этапы развития предприятий сотовой связи в Республике Узбекистан. // Информационно-методический бюллетень "Вестник САМАН", 1999, 3 (11) – чикиши. – Алмати. – 0,25 б.т.
2. Основные отличительные характеристики услуг сотовой связи.// "Ўзбекистонда ижтимоий фанлар". 2000, №1. – Тошкент. – 0,5 б.т.
3. Ўзбекистон уяли алоқа бозори. Компаниялар маркетинги.// "Бозор, пул ва кредит". 2000, № 11. – Тошкент. – 0,5 б.т.
4. Формирование маркетинговой информационной системы на предприятиях сотовой связи. // Сборник тезисов научно-практической конференции, ТДИУ. 2000. – Тошкент. – 0,2 б.т.
5. Алгоритм оценки уровня конкурентоспособности услуг предприятий сотовой связи. // Сборник тезисов научно-практической конференции, ТДИУ. 2000. – Тошкент. – 0,2 б.т.
6. Единое программное обеспечение статистических классификаций. // "Вопросы статистики", 2000, №12. – Москва. – 0,5 б.т. Хаммуалифликда (Ходиев Б., Бегалов Б., Заитов Н.).
7. Современное состояние развития рынка услуг сотовой связи в Узбекистане.// "Вестник Кузбасского Государственного технического университета", 2001. № 1. Кемерово. – 0,5 б.т.
8. Диверсификация услуг сотовой связи. // "Экономический вестник Узбекистана", 2001, № 3. – Тошкент. – 0,5 б.т.

АННОТАЦИЯ

на диссертационную работу М.Б. Серикова на тему: "Стратегия маркетинга предприятий сотовой связи Республики Узбекистан"

Переход к рыночным отношениям, достижение глубоких структурных преобразований усилили роль телекоммуникационных услуг и, вместе с тем, потребовали новых подходов и решений в развитии предприятий сотовой связи на основе глубоких маркетинговых исследований в решении стратегических задач развития отрасли.

Целью диссертационной работы является анализ современного состояния рынка сотовой связи Республики Узбекистан, разработка теоретических основ, методологических положений и практических рекомендаций по стратегии маркетинга услуг предприятий сотовой связи Республики Узбекистан.

В соответствии с поставленной целью исследования автором решены следующие задачи: проведен подробный анализ формирования рынка сотовой связи в республике; проанализирована деятельность предприятий сотовой связи на рынке телекоммуникационных услуг; разработаны теоретические основы, методологические положения по формированию эффективной стратегии маркетинга на предприятиях сотовой связи республики; даны практические рекомендации по улучшению стратегии маркетинга услуг предприятий сотовой связи Республики Узбекистан.

Для повышения уровня конкурентоспособности предприятий сотовой связи в работе предлагается: создание интегрированной системы определения конкурентоспособности предприятий сотовой связи, создание маркетинговой информационной системы, диверсификацию услуг с учетом тенденций развития мирового рынка коммуникационных услуг и задач, связанных с развитием рыночной экономики в республике.

Реализация предложений позволит эффективно реализовать программу развития коммуникационных услуг в республике, усилить конкурентоспособность предприятий сотовой связи и тем самым решить проблему, поставленную государством в сфере телекоммуникационных услуг.

SUMMARY**of the dissertation work of M.B. Serikov on "Marketing strategy of services
of cellular communication enterprises of the Republic of Uzbekistan"**

The transfer to the market relations, achievement of the deep structural reforms strengthen the role of the telecommunication services and, at the same time, required the new approaches and solutions in development of the cellular communication enterprises based on the deep marketing researches in solution of the strategic objectives in industry development.

The objective of the dissertation is a analysis of the current situation of the cellular market development in Uzbekistan; the development of the theoretic basis, methodological provisions and practical recommendations on the marketing strategies for the services of the cellular communication enterprises of the Republic of Uzbekistan.

In accordance with the research aim set the author solved the following issues: the detailed analysis of the cellular market formation Uzbekistan is made; it is analyzed activity of cellular communication companies relationship on market of telecommunication services; the theoretic basis, methodological provisions on formation of the effective marketing strategy for cellular operators are given; and practical recommendations on the marketing strategies for the services of the cellular communication enterprises of the Republic of Uzbekistan have been developed.

In order to improve the cellular enterprises competitiveness level, the research author quite rightful offers: the creation of the integrated system of determination the cellular enterprise competitiveness, creation of the marketing information system, services diversification with consideration of the world market communication services and objectives development tendency, connected with the development of the market economy of the republic.

The realization of the author's suggestions will allow to effectively realize the program of the communication services development in the republic, strengthen the cellular communication enterprises competitiveness and, in this regard, to solve the problem, which was set by the State in the sphere of telecommunication services.

Көрсөт бичими	1.2 б.т.
Босидча рұхсат этилди	23.11.2001 й.
Тиражи	100 нұсқа
Бүортма №	055

Тошкент Давлат Иқтисоднёт Университеті
«ТАЛАВА» жын айборот технологиялары мәрказының
«ИСО 9001» нұска күлпейтириш техникасыда чол этилди

Тошкент, Ўзбекистон шаҳркүласи, 49 уй